

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакдор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакиллари раҳбарлигида Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз микёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги тақдир қарорини қабул қилиш.

2. Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита

бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- шоиранинг ўзбек тилида "Сайланма" асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърини тўпламларини;
- "Зулфия замондошлари хотирасида" китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;
- шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;
- Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Муштақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш;
- мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат

жамоалари ва маҳалларларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

– 2015 йил март ойида Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тadbирлари қўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 октябрь.



Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов

Семинар-тренингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти раҳбари Эркин Солихов ҳамда Ўзбекистон Республикаси

САЙЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ЧИРЧИҚДА ТЎПЛАНДИЛАР



ўтказувчи сайлов комиссиялари аъзолари, вилоят, шаҳар ва туманлар сайлов комиссиялари аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, молия бўлими бошлиқлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

рок этдилар.

Сўзга чиққанларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда округ, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг вазифалари, сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, сайлов

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти масалаларидаги маърузалари тингланди.

Маълумки, вилоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчили

палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, шаҳар ва туман кенгашларига сайлов ўтказувчи 528 та округ сайлов комиссиялари тузилган. Улар сайловга тайёргарлик юзасидан ишларни бошлаб юборди.

Бу йилги сайловларда вилоятимиз бўйича 1 миллион 908 мингдан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Ҳозир Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлов ўтказувчи 872 та сайлов участкаси тузилди. Уларни қонун талаблари асосида жиҳозлаш, бўлажақ сайловларнинг ҳақиқий, тўлақонли марказларига айлантириш чоралари кўриляпти. Участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантириш давом этмоқда.

Сайлов демократик асосларда ўтишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти бекиёс. Шу боис матбуот, радио, телевидениедан тенглик асосида фойдаланилишини ташкил этиш вилоят, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссиялари фаолиятида етакчи ўрин тутади. Бунда қонун талаблари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олишди.

Азамат АХМЕДОВ ва Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

Вилоят фаоллари йиғилиши

Вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бажарилишига оид масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва қотибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят кенгаши аъзолари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисида республика Президенти томонидан белгилаб берилган мамлакат иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилатилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилнинг 9 ойида макроеқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди. Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоизга етди. Саноят маҳсулотини ишлаб чиқариш 106,6, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш 106,9, қурилиш ишлари 109,1 ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажми 115,2 фоизни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес субъектлари улуши ўтган йилги 59,6 фоиздан 60,2 фоизга етди. Ҳудудий экспорт ҳажми 441,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 9,3 фоиз ўсди.

Лекин, чуқур таҳлил ва танқид руҳида ўтган йиғилишда юқоридаги ижобий натижалар билан бирга жойларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани қайд этилди. Жумладан, кичик саноат корхоналарини ривожлантириш чоралари сустлиги оқибатида уларнинг вилоят саноат маҳсулотларидаги улуши атиги 19,8

фоизни ташкил этмоқда. Вилоятдаги 84 та йирик саноат корхоналарининг 33 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 161,9 миллиард сўмга камайдди. Хусусан, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота ва Янгийўл туманларида учтадан олтитагача корхона шундай қолди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидagi инвестиция дастури ижроси ҳамда 2014 йилда назарда тутилган объектларни ишга туширишни таъминлаш чора-тадбирлари, дебитор ва кредитор қарздорликнинг ҳолати ва уларни 2014 йилда қамайтириш юзасидан назарда тутилган кўрсаткичларнинг бажарилиши, маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш, куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари якуни, қишга мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка гамлаш юзасидан тармок ва ҳудудлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ғулмўжон Иброҳимов иштирок этди.

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви қўшма қарори асосида ташкил этилган "Аёллар маслаҳат маркази" хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий саводхонлиқни ошириш, айнама, уй бекаларининг турмуш тарзи, дунёқарашини ўрганиш, уларни турли маънавий ва мафқуравий хуружлардан асраш, ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этишлариغا қўмаклашиш мақсадида фаолият бошлади. Вилоят маънавият ва маърифат марказида вилоятнинг барча ташкилотлари иштирокида унинг очилишига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

– Бугунги кунда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни нақадар муҳим эканини яхши биламиз, – деди тadbирда иштирок этган



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова. – Уларнинг барча соҳада фаол иш-

тироки, мустақам оила, обод хонадон бекаси сифатидаги, ҳар томонлама етук, баркамол фарзандлар тарбияси бора-сидаги фидойий меҳнатлари таҳсини эътирофга лойиқ. Лекин, инсон ҳамиша бирининг меҳр-оқибати, эътибор ва рағбати, ҳолис маслаҳатларига мушток яшайди, шунга эҳтиёж сезади. Шу маънода вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси қoшида, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган "Аёллар маслаҳат маркази" ҳақиқатан ҳам хотин-қизлари-

мизнинг яқин дўсти, маслаҳатгўйи бўлади, деган умиддамыз.

Тadbирда шунингдек, аёлларимизнинг "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросига оид саъй-ҳаракатлардаги алоҳида ўрни, фаол иштироки ва келгусидаги режалар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,

"Тошкент ҳақиқати"

муҳбири,

Қобилжон ҒОҒУРОВ

олган суратлар.



Вилоятимизда фаолият юрита бошлаган "Аёллар маслаҳат маркази" нафақат хотин-қизларимиз, балки кексаюшани ҳам қизиқтириб қўйди. Зеро, ҳаёт йўллари бирдек текис ва раван эмас. Унда учрайдиган яхши-ёмон воқеа-ҳодисалар, муаммолар ҳолатларда қимнингдир қўмаги, ҳолис ёрдами, маслаҳатига эҳтиёж сезасиз. Шундай кезларда мурожаат этадиган аниқ манзил, ишончли мутахассисларнинг борлиги қандай яхши! Бу ҳақда кенгроқ маълумотга эга бўлиш, ундан вилоят аҳолисини ҳам воқиф этиш учун марказ ташкилотчиларидан бири, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева билан суҳбатлашдик.

«АЁЛЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ...»

– Сайёра Мавлонова, вилоятда хотин-қизларни қўллаб-қувватлайдиган яна бир ташкилот – аёллар маркази ташкил этилгани билан табриклаш баробарида, унинг фаолиятида доир айрим саволларга ойдинлик киритмоқчимиз. Сўхбатимизни "Аёллар маслаҳат мар-

кази"ни ташкил этишдан қутилган мақсаддан бошласак. – Мустақил Ўзбекистон аёли ҳақида сўз юритилганда эркин фуқаролик жамияти барпо этишдаги етакчи кучлардан бири, фаол жамоатчи хотин-қизлар, шунингдек, ёш авлод

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

ЁШЛАРГА ТУҲФА

Келес шаҳарчасидаги "Ифтихор" маҳалласида барпо этилган "Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси" ёшларга хурсандчилик улашди.

– Ушбу спорт мажмуаси болаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари учун мустақам замин яратди, – дейди Зангиота туманидаги 1-БЎСМ раҳбари ўринбосари Ботирали Маткаримов.

Декабрь ойида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган мажмуани "Тарақиш" МЧЖга қарашли қурилиш корхонаси бунёд этмоқда.

Юлдуз ИСАЕВА.

ҚЎЛ ЯРАТГАН МЎҲЖИЗА

Паркентлик гиламдўз Зулхумор Эрматова бундан сал аввалроқ иштиёқманд аёлларга ўз ҳунарини ўргатишга киришганди. Энди унинг шоғирдларидан дастлабки 40 нафари уй ва рўзгордан ажралмаган ҳолда мустақил гилам тўқишини бошлади.

Ҳунараманднинг ўзи шоғирдларига ҳар бир буюртма учун тегишли андоза асосида ёғочдан махсус ускуна ва дастхонлар етказиб бермоқда.

Аънавий услубда тўқилган ранг-баранг гилам ва гиламдўзлик маҳсулотларини қўл меҳнати мўжизаларига менгашлари беҳиз эмас. Асосий хом ашё – табиий қўй жуни ҳунараманднинг катта меҳнати билан қалавага, ўткир эҳни ва нозик диди билан сержилмо маҳсулотга айланади.

– Бу йил коллежни тамомладим, – дейди ҳунараманднинг шоғирдларидан бири Чарос Мусаева. – Энди шахсий бизнесимни йўлга қўйиш ҳаракатидан. Бунда эгалаган ҳунарим жуда қўл келади.

Ҳунараманднинг айтишича, Паркент гиламлари хорижда, айниқса, харидориг экан. Шу боис ҳунараманд ва унинг шоғирдлари тўқишга таштган маҳсулотлар ҳамкор фирмалар кўмагида тўлиқ хорижга сотилмоқда.

Алишер РАХМАТОВ.

